

ЎРТА АСР МУТАФАККИРЛАРИ ТЕОЛОГИК ВА ГНОСЕОЛОГИК ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

Салимжон Эватов

PhD, катта ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Ўзбекистон, Фарғона ш

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10444054>

Аннотация: Жаҳонда ўрта аср мусулмон шарқидаги диний-фалсафий таълимотлар инсоният цивилизациялари тарихида ўзига хос гносеологик ва теологик моҳияти билан замонавий билимларнинг назарий асослари сифатида эътироф этилмоқда. Ўрта аср ислом уламолари, мутафаккирлари қарашлари негизидаги инсонпарварлик, ҳақиқатсеварлик, дунёни билиш, маънавий-руҳий тарбия, диний, дунёвий билимлар уйғунлигини таъминлаш, ақлий ва ахлоқий етукликка эришиш ҳақидаги ғоялари замонавий, маърифатли, барқарор жамиятбарпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: фалсафа, диний дунёқараш, фалсафий таълимот, дунёвий билимлар, ислом дини.

Ўрта аср мусулмон шарқи фалсафий фикри ривожда гносеологик ва теологик қарашларнинг ўрни ва ўзаро муносабатини ўрганган айрим хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг асарлари, қарашлари бизнинг тадқиқот ишимиз учун назарий-методологик асос сифатида муҳим аҳамият касб этади. Уларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

Ғарб шарқшунослари томонидан ёзилган асарлар, рисоалар ва бошқа илмий ишлар:

Машхур шарқшунос Адам Мец “Мусулмон Ренессанси” [1] асарида Европадаги “Ренессанс” ва мусулмон мамлакатларидаги юксалишнинг умумий илдизи, юнон фани ютуқларининг қайта тикланиши бўлган деб, ҳисоблайди. Адам Мецнинг изланишлари Шарқ халқлари ижтимоий ҳаётининг деярли барча қирраларини тарихий манбалар асосида ёритиб берувчи муҳим фундаментал тадқиқот ҳисобланади.

Ўрта асрлар Шарқ халқлари илмий ва диний меросини ўрганишда австралиялик Густав фон Грюньбаумнинг хизматлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унинг 1970 йилда Лондонда нашр этилган “Классик ислом” [2] китобида Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига оид маълумотлар ўз аксини топган. Исломнинг мумтоз даври илоҳиёт илмлари шаклланиш жараёнлари шарқ халқлари маънавий маданиятига таъсири диний-

фалсафий тафаккур ривожланиш эволюциясини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам методологик аҳамиятга молик ҳисобланади.

Швейцариялик машҳур олим Генрих Зутернинг “Араб математиклари ва астрономлари ҳамда уларнинг асарлари”[3] номли китоби ҳам муҳим манба ҳисобланади. Унда 750 йилдан 1600 йилгача яшаб ўтган 528 нафар мусулмон математик ва астрономларининг қисқача ҳаёти, асарлари ва қўлёзмалари сақланган. Мазкур асар, кейинчалик бошқа муаллифлар тарафидан унинг ўз услубига хос равишда тўлдирилганига қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам Шарқ риёзиёти ва фалакиёти масалаларида муҳим манба ҳисобланади.

1932 йили франциялик олим Ж.Рено ўзининг “Зутернинг араб математик ва астрономлари китобига қўшимча ва тузатишлар”[4] рисоласини нашр этади. У ўз қўшимчаларини Марокашнинг пойтахти Рабат шаҳрида сақланган қўлёзмалар асосида тузган бўлса, германиялик Макс Крузе айтиши хилдаги тадқиқотини 1936 йили якунлайди ва уни “Истанбулдаги мусулмон математикасига доир қўлёзмалар”[5], деб номлайди.

Ўрта аср мутафаккирларининг гносеологик ва теологик қарашларининг Шарқ мамлакатларини ўзида ўрганилишига доир асарлар, рисоалар ва бошқа изланишлар доирасини қуйидагича шакллантириш мумкин:

Ислом фалсафаси, илмий фаолиятига оид араб тилидаги изланишлар орасида Журжи Зайдоннинг “Ислом цивилизацияси тарихи”, Ҳасан Иброҳим Ҳасаннинг тўрт жилдан иборат “Исломнинг сиёсий, диний, маданий ва ижтимоий тарихи”, Саид ад-диюжийнинг “Байт ал-ҳикма”, Аҳмад фарид ар-Рифаъийнинг “Ал-Маъмун даври”, Саид аш-Шаҳхат Зағлулнинг “Сурёнийлар ва мусулмон маданияти”, Қадрий Ҳафиз туқанинг “Риёзиёт ва фалаккиётга доир араб илмий мероси”, Абд ал-Мунъим Можиднинг “Мусулмон цивилизациясининг ўрта асрлардаги тарихи”, Муҳаммад Абд ар-Раҳмон Марҳабанинг “Араб фани тарихи бўйича тўплам” ва Ҳидр Аҳмад Атоуллоҳнинг “Аббосийлар даврида “Байт ал-ҳикма” китобларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу асарларда ислом илоҳиётшунослигига оид залворли ғоялар ва қарашлар таҳлил қилинган. Бу орқали ислом теологиясининг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Юқорида келтирилган охириги асар “Байт ал-ҳикма”га бағишланган тадқиқотларнинг энг сўнггиси ва салмоқлиси ҳисобланади. Бунда

муаллиф “Байт ал-ҳикма” ҳақида муҳим маълумотларни жамлашга муяссар бўлган. Шу билан бирга, асарда бир қатор англашилмовчиликлар ҳам мавжуд: биринчи навбатда муаллифнинг “Байт ал-ҳикма”га бир мунча бўрттириб баҳо бергани, хусусан, унинг фаолият даврини бир далилсиз мўғуллар истилосига қадар узайтирганини айтиб ўтиш зарур. Натижада Абу Райҳон Беруний сингари бу марказга алоқадор бўлмаган олимларга, у ерда ижод этган алломалар рўйхатидан жой ажратилганлигини кўрамиз. Айни вақтда бу мактабга узвий боғлиқ бўлган Аҳмад ал-Фарғоний эса рўйхатдан тушиб қолган.

Бундан ташқари Шарқ мутафаккирларининг гносеологик ва теологик қарашларига оид био-библиографик фихристларнинг яратилиши тадқиқот мавзуси учун зарурий бўлган услубий асос вазифасини ўтайди. Шу маънода айни био-библиографик асарларнинг энг машҳурларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизда ҳам ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг гносеологик ва теологик қарашлари алоқадорлиги ва ривожланишига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва бугунги кунда ҳам олиб борилмоқда. Бу изланишларда ислом таълимотларининг турли жиҳатлари ёритилган. Бироқасар ишлар бу давр олимларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан чекланган. Шу билан бирга аниқ тизимлаштирилган ва тартибга солинган изланишлар кам учрайди. Шу боис мазкур тадқиқот ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилади. Бу орқали ўрта аср шарқ мутафаккирларининг гносеологик ва теологик қарашларини ислом фалсафаси ва ислом дини ривожланишидаги ўрни, динийлик ва дунёвийлик уйғунлигидаги эркин илмий муҳитни шаклланишига таъсири ва бугунги кун учун аҳамиятини кўрсатиб бериш мақсад қилинган.

2001 йилда “Маънавият юлдузлари” номи билан чоп этилган ва юзга яқин Марказий Осиёнинг буюк олимлари, алломалари ва адiblари ҳақида маълумотларни ўз ичига олган китобни мамлакатимизда ушбу туркумдаги тадқиқотлар ичида аҳамиятли дея баҳолаш мумкин. Шунингдек, 2018 йилда нашр этилган “Буюк юрт алломалари” китоби ҳам ислом дунёсининг илмий ва интеллектуал ривожланишини ўрганишда муҳим манба бўлади. Унда ўлкамиздан етишиб чиққан, ислом дини, унинг маърифати, маънавияти, қадриятлари такомлида чинакам ҳал қилувчи роль ўйнаган улуғ алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги қизиқарли тадқиқотлар ўрин олган. Бошқа бир манба “Ислом маърифати ва ҳозирги замон” китобида бугунги кунда кенг тарқалган ва мусулмон

жамиятларини ҳам четлаб ўтмаётган динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мутаносиблик, имон ва куфр тушунчаларини талқини, ислом ва санъат, “оммавий маданият”, тариқатчилик борасидаги мулоҳазалар, ижтимоий одоблар ва ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш йўл-йўриқлари, шунингдек, исломда иқтисодий жараёнлар каби масалаларга Қуръони карим, ҳадиси шарифлар ва ислом оламида эътироф этилган забардаст олимларнинг ижтиҳод ва фатволарига таянилган ҳолда тўхталиб ўтилган.

Ислом фалсафаси бўйича машҳур олим Муҳаммад Зако Кўнрапаннинг “Муҳаммад ва ислом тарихи”[6] китоби ҳам ислом тарихида бўлиб ўтган воқеалар қисқа ва тушунарли услубда баён қилинган. Мазкур манба ислом тарихида илмий фаолиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатган омилларни англашга имкон беради. Шунингдек, ислом динининг шаклланиши, унда Пайғамбаримизнинг фаолияти ва ислом ақидаларининг шаклланиш жараёни таҳлил қилинган. Абдураҳмон Рафъат Пошонинг “Тобеъинлар ҳаёти”[7] китобида илм, адаб ва дин йўлида Пайғамбаримизга издошлик қилган тобеъинларнинг фаолияти баён қилинади. Бу зотларнинг ҳаёти тақво, ибодат ва солиҳ амаллар билан безатилган бўлиб, уларнинг илмини ўрганиш, ислом динининг мустаҳкамланиб боришидаги хизматларининг билиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Исломий маърифатни ривожлантириш фаолиятига ўзининг беқиёс улушини қўшган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг бир неча асарларида ҳам ислом дунёсининг илмий фаолияти ривож, ўрта асрларда ислом маданиятини шаклланиши ва тараққий этиш жараёнлари таҳлил қилинган. Хусусан, унинг “Олам ва одам, дин ва илм”[8] китобида ҳам исломий маърифатни кенг ёйиш, салафи-солиҳ – улуғ мужтаҳидларга эргашиш, бағрикенглик ва биродарлик руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотишга доир ўзининг қимматли мулоҳазаларини баён қилади. Мазкур китобда ислом динининг шаклланиши ва ислом илмий-интеллектуал фаолиятига таъсир кўрсатган омиллар, ислом ва илм муносабатлари, ўрта асрлар ислом фалсафининг ривожланиши, унда табиий ва аниқ фанларнинг ўрни, исломий тамаддунинг Европага кириб бориши ва сингиши, цивилизациялар муносабати каби жараёнлар таҳлил қилинади. Бу асар орқали ислом дунёсининг ўрта асрлардаги ҳолати, илмий уйғониш жараёнига таъсир

кўрсатган омиллар ва ислом дунёсининг дунёвий илмларни ривожланишидаги улуши таҳлил қилинган.

Ўрта асрлар ислом маданиятида ўз ўрнига эга бўлган тасаввуф таълимоти ҳам гносеологик-теологик изланишларнинг бир кўриниши бўлиб, унга доир асарлар, тадқиқот ишлари ҳам мазкур иш учун методологик манба бўлиб хизмат қилади. Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” китоби ўрта асрларда Шарқ маданиятида ўзига хос диний-фалсафий таълимот бўлиб ҳисобланган тасаввуф таълимоти, фалсафаси, унинг ирфоний мавзуларини ўрганишда муҳим манба саналади[9]. Шунингдек, асарда Марказий Осиё тасаввуфининг илмий-назарий табиатга эга бўлганлиги – сўфий аждодларимиз фақатгина сўфийлик амалиёти билан шуғулланибгина қолмасдан, тасаввуфгабағишланган асарлар яратиш орқали унга илмий-назарий тус бериш ишига ҳам улкан ҳисса қўшганликлари кўрсатилган. Шунингдек, тасаввуф илмини ривож билан ислом дунёси теологиясининг тараққий қилишига таъсир кўрсатиши жараёнларига доир манбалар ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ислом тарихчиси шайх Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қаймоз ибн Абдуллоҳ Заҳабийнинг “Машҳур даҳолар сийрати”[10] китоби ислом оламида ном қозонган, ўзининг илми, ақидаси, эътиқоди билан шуҳрат топган етук уламолар, алломалар ва дин вакилларининг ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти тадқиқ этилган. Мазкур асарда келтирилган шахсларнинг ислом оламидаги ўрни мисоллар ва далиллар асосида очиқ берилган. Ўрта асрлар ислом илмий-маданий фаолиятини ўрганишда ушбу асарда келтирилган илм эгаларининг фаолиятини ҳам ўрганиш ва шу асосда хулосаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўрта аср Шарқ ирфоний ва диний тафаккурни ривожланишида ва гносеологик-теологик қарашларни шаклланишида “Байт ал-ҳикма” нинг ўрни ва аҳамияти юқори ҳисобланади. У Шарқдаги илк энг машҳур илмий мактаб бўлганлиги сабабли унга ўша ва кейинги давр муаллифларнинг деярли барчаси мурожаат қилган. Хоразм Маъмун Академиясининг илмий анъаналари XV асрда Самарқанддаги Улуғбек Академиясида давом эттирилди. Ўша давр анъаналарига кўра, мадрасада ўқитиладиган Куръон, ҳадис, тафсирдан ташқари, математика, геометрия, астрономия, география ва бошқа фанлар ҳам ўқитилган. Шунингдек, ислом теологиясининг ривожланиши ва ўзининг юксак чўққиларини намоён қилишда бу

масканнинг аҳамияти юқори бўлган. Мутафаккирларнинг гносеологик изланишлари

ХУЛОСА

Ўрта асрлар Шарқ гносеологиясини ўрганишда, шубҳасиз, машҳур тарихчи Ибн Халдуннинг ўрни юқори ҳисобланади. У “ал-Муқадимма” асарида Уммавийлар ва Аббосийлар ҳукмронлиги давридаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг эътиборга молик томонларини таҳлил қилади. Жумладан, шарқ халқлари фани ва маданияти тараққиётининг баъзи омиллари ҳақида батафсил тўхталар экан, энг қизиғи, муслмон олимларининг аксари насл-насабига кўра араб бўлмаганликларини алоҳида таъкидлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мец А. Мусульманский ренессанс. –Москва: Наука, 1973. - 473 стр.
2. Грюнебаум Г. Э. фон. Классический ислам. Очерк истории (600—1258). Пер. с англ. И. М. Дижур. Предисл. В. В. Наумкина. М., Главная редакция восточной литературы издательства "Наука", 1986. 216 с.
3. Suter H. Die Mathematiker und Astronomen der Araber und ihre Werke, Leipzig, 1900.-Pp. 277.
4. Renaud H.P.J. Additions et corrections a Suter “Die Mathematiker und Astronomen der Araber und ihre Werke” // TSIS. 1932, 18. –Pp. 298
5. Krause, Max: Stambuler Handschriften islamischer Mathematiker. In: Quellen und Studien zur Geschichte der Mathematik. Abt. V. Astronomie und Physik 3 (1936), -Pp. 437-532.
6. Кўнрапа, Муҳаммад Зако. Муҳаммад ва ислом тарихи. / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Шарқ, 2017. – 386 б.
7. Абдурахмон Рафъат Пошо. Тобеъинлар ҳаёти. (Нашрга тайёрловчилар Бобомурод Эрали, Баҳодир Карим) –Тошкент: Шарқ, 2018. –384 б.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Тошкент: “HILOL-NASHR” нашриёти, 2019. –440 б.
9. Комилов Н. Тасаввуф. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. -448 б.
10. Заҳабий, Имом Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон. Машҳур даҳолар сийрати. –Тошкент: Шарқ, 2015. –480 б.
11. Ismailov, I. (2021). LIBERALIZATION OF CRIMINAL PENALTIES IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS. Интернаука, 10(186 часть 2), 101.
12. С.Эватов. (2023). ТЕОРИЯ ВАХДАТ УЛ-ВУДЖУД В СУФИЗМЕ. Scientific Journal of the Fergana State University, (4), 36. https://doi.org/10.56292/SJFSU/vol_iss4/a36

13. Evatov, S. (2020). THE EXPRESSION OF THE IDEAS OF ASCETIC THINKING AND ALTRUISM IN CENTRAL ASIAN MYSTICISM. InterConf.
14. Evatov, S. (2019). About The Synthesis Of Ibn Sina's Philosophical Teachings With Mysticism And Aristotelism. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(7), 174-179.
15. Evatov, S. (2022). IDEAS OF HUMANITY AND THEIR STUDY IN CENTRAL ASIAN SUFISM. Oriental Journal of Social Sciences, 2(1), 20-32.
16. Evatov, S. (2022). PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE COMPETENCE OF ADOLESCENT STUDENTS ON THE BASIS OF FAMILY AND SCHOOL COOPERATION. Science and Innovation, 1(3), 182-190.
17. Evatov, S. (2022). REVIEW OF RESEARCH ON THE FORMATION OF MYSTICAL AND PHILOSOPHICAL IDEAS IN CENTRAL ASIA IN IX-XII CENTURIES. Science and Innovation, 1(3), 311-318.
18. Evatov, S. (2023). HUMANITY IN THE DOCTRINE OF SUFI IDEAS AND THEIR PRESENTATION THE ESSENTIALS OF THE DAY. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(5), 73-77.
19. Evatov, S. (2023). THE INFLUENCE OF GREEK PHILOSOPHY AND NON-ISLAMIC TRADITIONS ON THE FORMATION OF MYSTICAL TEACHINGS IN CENTRAL ASIA. International Bulletin of Engineering and Technology, 3(5), 29-32.
20. Evatov, S. S. (2023). History of Emergence of Mystical and Philosophical Teachings in Central Asia. American Journal of Science on Integration and Human Development, 1(3), 27-30.